



СЕРТИФИКАТ

настоящим удостоверяем, что


К.Х. Хамроев

является автором статьи, представленной к публикации в научном журнале

«Вестник магистратуры». 2020. №5-2

ISSN 2223-4047

тема статьи: Этические критерии и воспитательные основы военного патриотизма



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА

LIBRARY.RU

Профиль журнала: http://elibrary.ru/title_about.asp?id=32775

on-line: <http://www.magisterjournal.ru/numbers.htm>



Е.А. Мурзина, к. э. н., доцент,
генеральный директор
ООО «Коллоквиум»

ISSN 2223-4047

ВЕСТНИК



МАГИСТРАТУРЫ

5-5, 2020



научный журнал

УДК 371

К.К. Хамроев

ЭТИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ВОЕННОГО ПАТРИОТИЗМА

В данной статье анализируются этические критерии и воспитательные основы военного патриотизма.

Ключевые слова: военный патриотизм, духовно-нравственный характер, смелость, разум, опыт, смелость, разум, мудрость, отвага, человеческие качества.

Ҳарбий ватанпарварлик Ватанга садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан раънақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат ҳисобланади. Унинг ахлоқий моҳияти – Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содиқ бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Шунингдек, бу фазилат ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, қадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутати.

Ҳарбий ватанпарварликни камол топтириш ижтимоий-иқтисодий, маданий, мафкуравий, тарбиявий омиллар билан боғлиқ бўлиб, уни рўёбга чиқариш катта меҳнат талаб қилувчи мураккаб жараён дур. Айниқса, ҳарбий соҳа вакилларининг ҳозирги пайтдаги вазифаларидан бири ҳам Куролли кучлар таркибида хизмат қилаётган аскар-зобитларни Ватанга садоқат, фидойилик каби фазилатларни камол топтиришдан иборат.

Инсоният тарихининг барча даврларида давлат қўшинлари унинг таянчи, халқнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови бўлиб келган. Қўшинларнинг ҳолати, таъминоти, ҳарбийларни бурчни бажаришда масъулият, мардлик ва садоқат руҳида ҳамда маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалалари мамлакатлар тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Қўшин, хусусан лашкарбоши ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасида аллома Абу Наср Форобий фикрларини ўрганиш диққатга сазовор дур. Унинг фикрича, лашкарбоши фойдали ва гўзал ҳисобланган фикрий қобилияти билан бирга, барча аскарлар учун умумий ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлиши керак. Агар у мазкур ҳаракатларни охирига етказишни хоҳласа, аскарларга хос бўлган сифатлардан фойдаланади. Унинг жасурлиги ҳарбийларнинг алоҳида хаттиҳаракатларида намоён бўладиган жасурликка мос бўлиши керак. Зеро, қўшинга хос фазилатларга донолик, мулоҳазакорлик, ишонтира олишлик, жисмонан бақувватликлик, руҳан тетиклик, маънавий етуклик, ватанпарварлик, жасурлик каби юксак инсоний фазилатлар кирати. Чунки буларсиз қўшин мукамал ва ғолиб бўла олмайди.

Ҳарбий ватанпарварлик ахлоқига доир маънавий меросимизда душманга қарши урушда ҳукмдор ва қўшинлар адолат қондаларига риоя қилишлари кераклиги уқтирилади. Бу душман устидан муқаррар ғалаба қозонишни таъминлайди. Бунинг учун ҳукмдор қобилиятли, узокни қўрувчи, маълум маънода жосуслик санъатига эга бўлиши керак. Қўшин учун зарур бўлган фазилатлар тўғрисида буюк давлат арбоби ва саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам илғор фикрларни билдирган. Чунончи, унинг саркарда сифатидаги муваффақиятлари қалити – бу черикни, яъни қўшиннинг қўнглини олмоқлигида бўлган. Бобур аскар қўнглини олмоқнинг бош мезони қилиб кишининг қаерданлиги, миллати ва насабини эмас, балки подшоҳга садоқат, мардлиги, фидойилиги, вафодорлиги, давлат ҳимоясига қўшган ҳиссасини белгилаган. Чунончи, қўшин қўнглини олиши уни фақат моддий жиҳатдан таъминлашдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки маънавий жиҳатдан қўшинни қўллаб-қувватлаш, унинг ўзига хайрихоҳлигига эришишига ҳам муяссар бўларди. Шунингдек, у инсонга хос буюк фазилатлардан бири мардликни улуғлайди. Алломанинг фикрича, мардликнинг олий даражада намоён бўлиши деб, Ватан учун душман билан жанг қилиш, зарур бўлса, жонини ҳам қурбон қила олиш дур.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси – бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мустақил юртимизни мардларча ҳимоя қилишга қодирлиги ва тайёрлиги, аскарларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг маънавий-ахлоқий тизимидур. Ҳарбий ватанпарварлик фазилатини шакллантиришда тарбиянинг мазкур шакли ўз олдига қуйидагиларни асосий вазифа қилиб қўяди:

- ҳарбий хизматчиларда Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш;
- мамлакатни мудофаа қилиш ва давлатнинг қуролли кучларини жанговар қучини мустаҳкамлашда жавобгарлик ҳиссини пайдо қилиш;
- жанговар топшириқларга қатъиятлили ва юртга садоқат туйғусини шакллантириш.

алмашиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Фуқароларимизнинг жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ходисалар, қўшни мамлакатларда ҳукм сураётган нотинч вазиятларни билиши ва огоҳ бўлиши бу ўз навбатида оиласининг тинчлигини таъминлашга хизмат қилади. Тинчликни сақлаш ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги бурчидир. Хорижий тилларни мукамал билиш – мамлакатлараро ўзаро тажриба алмашинишга, энг илғор технологиялар таъсирида ўзгариб, янгиланиб бораётган соҳавий билимларни ўзлаштиришга ва ҳаётга татбиқ этишга, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада юксалишига, умуман юртимизда барча соҳаларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда хорижий тилларни мукамал билиш ахборот алмашиниш, ривожланган давлатлар полициялари билан тажриба алмашиниш, дунёвий билимлардан кенг хабардор бўлиш, огоҳ бўлиш, халқ хавфсизлигини, миллатлараро тотувликни таъминлашда, айниқса қўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alimardonov Z.SH. Contextual Technologies in Formation Professional of Military Experts in the Higher Military Institution// Eastern European Scientific Journal. (ISSN 2199-7977) Ausgabe-2016-1/ DOI 10.12851/EESJ201612/P. 91- 94. (13.00.00; № 1).

АБДУЛЛАЕВ ЙУЛЧИ ЗИЯЕВИЧ – заместитель начальника факультета военного образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

ХАМИДОВ ТЕМУР УЛМАС УГЛИ – студент факультета военного образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.